

# O'ZBEKISTON



# O'VOZI

IJTIMOY-  
SIYOSIY  
GAZETA

• 2005-yil • 5-iyul • Seshanba • 81 (27.416) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 июль кунин Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Таъкидлаш кераки, ШХТ ташкилот сифатида шаклланиш ва ривожланиш жараёнини қисқа фурсатда босиб ўтди. 2001 йил Хитойнинг Шанхай шаҳрида олти мамлакат — Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон раҳбарлари томонидан ШХТни тузиш тўғрисидаги декларация имзоланиб, унинг икки органи — Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил этишга келишиб олинган эди. Таъсис ҳужжати — Хартияси (Низомин) эса 2002 йил Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинди ва шу тарих ташкилот халқаро юридик макрога эга бўлди.

Ўтган йили ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитига Тошкент мезбонлик қилди. Унда кўрилган масалалар орасида ШХТ фаолиятининг икки асосий йўналиши — хавфсизлик ва савдо-

иқтисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларининг асосий мавзуи бўлди. Саммит арафасида пойтахтимизда ташкилотнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия қўмитаси очилди.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Остона саммитида хавфсизликни мустаҳкамлаш, террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш, Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, ўзaro ижтимоий-маданий, илмий-техникавий, транспорт коммуникациялари борадидаги алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларга оид масалаларни муҳокама этиш режалаштирилган.

(ЎА)

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ V ҚУРУЛТОЙИ Тўғрисида АХБОРОТ

Авал хабар берганимиздек, 2005 йил 2 июль кунин пойтахтимиздаги «Intercontinental» меҳмонхонасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултой ишида мамлакатимизнинг барча минтақаларидан сайланган делегатлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси, партия Марказий Кенгаши аъзолари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларнинг марказий идоралари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан «Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг янги Дастури ва партиянинг жамиятни демократлаштириш ва янгилаш бўйича вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг раиси А.РУСТАМОВ маъруза қилди.

Нотик ўз сўзида партия бундан ролпа-роса саккиз ой илгари ўзининг IV қурултойини ўтказганидан сўнгги давр ичида мамлакатимизда ва жаҳонда кўпқабатли ўзгаришлар содир бўлгани, мамлакатимизда демократик кадрлар тобора чуқурлашиб бораётганини қайд этди. Партиянинг янги Дастурини қабул қилишга бугун қандай зарурат туғилганлиги, шу кунга қадар амалда бўлган Дастурдаги умумийликлардан воз кечилганлиги, янги Дастурдан қайси мақсадлар марказий ўрин эгаллаганлиги, унинг бугунги замон талабларидан ва партиянинг сўзлик позициясидан келиб чиқиб ишлаб чиқилганлиги тўғрисида фикр юритди. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш бўйича Ўзбекистон ХДПнинг устувор вазифалари тўғрисида га-

пирди. Партиянинг мафқураси устуворликлари, сиёсати ва фаолиятининг муҳим жиҳатларини қайта кўриб чиқиш масалаларига алоҳида тўхтади. Шунингдек, у Ўзбекистон Халқ демократик партияси ақин беш йилда — ўз сиёсий оппонентлари билан рақобатли курашда жамиятда яққол етакчиликка эришиш ва шу асосда навбатдаги сайловларда ғалаба қозониб, ҳукумат ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий органларини шакллантиришда таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган ҳокимият партиясига айланиш ни мақсад қилиб кўйганини алоҳида таъкидлади. Партиянинг ижтимоий таянчи, энг аввало, кўп болали оилалар, ногиронлар, кам таъминланган ва махсус маълумоти, мутахассислиги бўлмаган киши-



Бизнинг бош ишоримиз — ҳамма учун — иш ва фаровонлик!

Наш главный лозунг — работа и благополучие семьи!

лардир. Партия миллий гуруҳ сақлаб қолинмаса ва миллий анъаналар қўллаб-қувватланмаса келажак йўқ, деб ҳисоблайди. Юксак маънавиятни шакллантиришдаги ишда ёш авлодни тарбиялаётган ўқитувчилар ва миллат солиғини муҳофаза қилаётган шифокорлар ҳамда келажак эгаси бўлиши ёшларни партия ўзининг асосий таянчи, деб ҳисоблайди.

Партия халқимизга хос тарихий қадриятлар ва анъаналар ҳамда Ижтимоий адолат, Ижтимоий бирдамлик, Демократия ва Эркинлик каби сўл демократик ҳаракатнинг умуминсоний қадриятларига таянади.

Халқ демократик партияси ўзининг асосий сиёсий рақибини деб Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партиясини билади ва у билан фаол ғоявий кураш олиб боради.

Эркин бозор тўғрисидаги либерал ғояга қарши ХДП ўзининг ижтимоий бозор иқтисодиёти ғоясини қўяди. Либерализм

мафқураси шахс суверенитети ғоясидан келиб чиқади. Бу эса, ХДПнинг фикрича, маҳалла жамоавийлиги анъаналари тарихан вужудга келган бизнинг мамлакатга тўғри келмайди. Бу шароитларда ижтимоий демократия мафқурасининг асосини ташкил этувчи ҳамжихатлик ва ижтимоий бирдамлик ғоялари мақбулроқ, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон ХДП либерал демократия мафқурасининг жамият фаровонлиги асосини мулкдорлар фаровонлиги ташкил этади, дейиш билан чекланиши ҳамда даромадларни ижтимоий баробарлаштириш ва аҳолининг бойлар ва камбағалларга бўлиниб кетишининг олдини олиш бўйича масалани ҳал этишининг бирон-бир мақбул йўлини тақлиф этмаслигини жиддий камчилик, деб ҳисоблайди.

Музокараларда сўзга чиққан Ўзбекистон Қарамони Абдулла Орипов, Республика Рус либерал ғояга қарши ХДПнинг ижтимоий бозор иқтисодиёти ғоясини қўяди. Либерализм

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон ХДПнинг палатадаги фракцияси аъзолари Латиф Ғуломов, Шарбат Абдуллаева, Гулистон Аннақличева, Боймурод Юсупов, Алия Юнусова, Анатолий Козлов, «Совластатга» қўшма корхонаси бош директори Александр Мелкумов, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси Ойбек Исоқов, Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедра мудири Назар Ҳакимов, Ўзбекистон ХДП Сир-

мокрatik партиясининг Уставига қисман ўзгартришлар киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам делегатлар эътиборига ҳавола этилди.

Партия янги Дастурини қабул қилиш ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси янги Устави амалга киритилиши муносабати билан қурултой партия тизимини такомиллаштириш, унинг барча бўғинларида тепадан пастрга ишончли ва самарали бошқарушни шакллантириш масалаларини кўриб

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, энг аввало, кўп болали оилалар, хотин-қизлар, ногиронлар, ишсиз ёшлар, айниқса, қишлоқ ёшлари, жамиятнинг кам таъминланган, фақат ойлик маош билан кун кўрадиган қатлами — ёш авлодни тарбиялаётган ўқитувчилар ва миллат соғлиғини муҳофаза қилаётган шифокорлар манфаатларини ҳимоя қилади.

✦ ✦ ✦

Партия халқимизга хос тарихий қадриятлар ва анъаналар ҳамда ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик, каби сўл демократияга хос бўлган умуминсоний қадриятларга таянади.

✦ ✦ ✦

Ўзбекистон Халқ демократик партияси яқин беш йилда ўз рақиблари билан курашда жамиятнинг етакчи сиёсий кучига айланишни мақсад қилиб қўйган. Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари туман, шаҳар, вилоят Кенгашларига келгуси сайловларда ғалаба қозониш ва депутатлар кўпчилиги имкониятидан фойдаланиб, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий органларини шакллантиришга таъсир кўрсатишни ўзининг бош вазифаси, деб ҳисоблайди.



дарё вилоят кенгаши раиси Абдумалик Кўчқоралиев, ХДП Фарғона шаҳар кенгаши раиси Олияхон Шарипова, ХДП Оқолтин туман кенгаши раиси Ёвқочди Хайдаров ва бошқалар партиянинг танлаган йўлини, олдиға қўйган аниқ мақсадларини қўллаб-қувватлади.

Делегатлар, шунингдек, партия ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли қатор бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шу билан юксак кўтаринчилик руҳида ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг V қурултойи ўз ишини тамомлади.

Ўзбекистон ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва партия билетларини алмаштириш ҳамда Ўзбекистон Халқ де-

мokratik партиясининг Уставига қисман ўзгартришлар киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам делегатлар эътиборига ҳавола этилди.

Партия янги Дастурини қабул қилиш ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси янги Устави амалга киритилиши муносабати билан қурултой партия тизимини такомиллаштириш, унинг барча бўғинларида тепадан пастрга ишончли ва самарали бошқарушни шакллантириш масалаларини кўриб

Бехзод ШУКУРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



### Диққат

## СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

СИЗНИНГ САВОЛЛАРИНГИЗГА РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ ТУРОБЖОН ЖўРАЕВ ЖАВОБ БЕРАДИ

Мустақиллик йиллари мамлакатимиз таълим тизимини улкан бурилишлар, тарихий янгиликлар даври бўлди. Фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди. Таълимнинг ҳар бир босқичида ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўтган 2004 йил эса республикамизда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинган йил сифатида ёдимизда қолди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ва ушбу Фармон асосида қабул қилинган ҳукумат қарорларида мактабларимизнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб берилди. Бугун мазкур Фармон талабларини бажариш бўйича жойларда кенг қўлланми саяёҳатлар олиб борилмоқда.

Лекин, жойларда таълим тизимини ислохотларга тўсиқ бўлаётган муаммолар, камчиликлар ҳам оз эмас. Агар сиз мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси қандай бораётгани, мактабга таълим муассасалари, ўқитувчилик касби муаммолари ва улар учун яратилаётган шароитлар юзасидан ўзингизни қизиқтираётган саволларга жавоб топишни истасангиз, ушбу масалалар бўйича тақлифларингиз бўлса, «Ўзбекистон овози» газетасининг «Сиртқи қабул соатлари»га мурожаат қилинг.

Савол ва тақлифларингиз хат, шонлиқнома, факс ёки телефон орқали йўлланганиз мумкин. Мурожаатлар 12 июлга қадар қабул қилинади. Мавзудими: Тошкент 700000, Матбуотчилар кўчаси 32-уй, «Ўзбекистон овози» газетаси тақририга. Телефон: 133-69-45, 136-53-70, 133-79-14, 136-55-04. Факс: 133-12-56.

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKIDORGA HAMKOR!  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz  
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'li  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

**ALOQABANK**  
aniq, tez, ishonchli!  
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04  
WWW.alobank.uz E-mail: info@alobank.uz  
Хизматлар лицензияланган





